

Грузия муфтийсининг юртимизга ташрифи



20:28 / 07.08.2023 1561

Бугун 7 август куни юртимизга Грузия давлати муфтийси Эътибор Эминов ҳамда Грузия диний идораси илмий шўро аъзоси Мулкадор Ҳожиёв ташриф буюрдилар. Меҳмонларни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ мамнуният билан кутиб олдилар.

Даставвал, меҳмонлар «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасига ташриф буюриб, масжид хонақоси, кутубхонаси ва мажмуанинг бошқа диққатга сазовор обидалари билан яқиндан танишдилар.

Сўнгра шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ томонидан

асос солинган «Ҳилол нашр» нашриётига келишди. Азиз меҳмонлар нашриётга ташрифлари давомида у ерда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, таҳририятда китобларнинг нашрга тайёрланиши, босмахонада чоп этилиши билан боғлиқ бир қанча жараёнлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Шундан сўнг нашриётнинг бош дўконига келиб, у ердаги барча шарт-шароитлар, халқимиз учун ташкил этилган мўъжазгина кутубхона, умуман, барча жараёнлар билан яқиндан танишиб, илиқ таассурот билан чиқдилар. Ташрифлари давомида меҳмонларга Исмоил домла Муҳаммад Содик ҳамроҳлик қилдилар.

Юртимизда диний соҳада кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани, жумладан, диний-маърифий адабиётлар нашрига ва сотувига бўлган эътибордан меҳмонлар ниҳоятда мамнун бўлдилар.





